

Қайнотасининг хунарини давом эттираётган кулол

Самарқанд туманидаги Конирил туризм қишлоғида кулоллик хунари билан рўзгорини обод қилаётган Дилором опа фаолият юртади. Ёшлигидан лойдан турли буюмлар, эсдалик совғалари ясашга қизиққан Дилором тақдирни қарангки, Самарқанд кулолчилик мактабидан ўз йўналишига эга Абдурахим Мухторов ушасига келин бўлиб олд.



Қайнотам ясаган буюмлар барчанинг эътиборини тортарди, - дейди Д.Мухторова. - Олдин кўзага ҳам санъат асари даражасида эътибор қаратардилар. Биз кўчиб чиққан Мўлийён маҳалласида устахона очди. Қайнотамга чой дамлаб кирганда у кишининг ишларини кузатардим. Бир кун қизиқиб, доира чалаётган аёл ҳайкалчасини ясадим ва дастгоҳ ёнида қолдирдим. Қайнотам келиб, "буни ким ясади?", деб сўради. Ийманиб, "мен" дедим. Аммо ишонмади. Турмуш ўртоғим ҳам ота касби билан шуғулланар эди. "Эрингиз ясаган бўлса керак" деди. Жавобимдан сўнг, "келин, кулолликдан хабарингиз бор экан, сизга фақат айрим жиҳатларини ўргатиш керак холос", деди.

Дилором опанинг ишини кузатар эканмиз, бармоқларнинг майин ҳаракати, бир бўлак лой ва сув ёрдамида ясалаётган кулолчилик маҳсулотлари эътиборимизни тортарди. Тандинга нон ёпаётган, бир қўлида бешик, бир қўлида фарзандини кўтариб турган аёллар, чойхонадаги нурунийлар, доира чалаётган жувон, эшак минган "буни ким ясади?", деб сўради. Ийманиб, "мен" дедим. Аммо ишонмади. Турмуш ўртоғим ҳам ота касби билан шуғулланар эди. "Эрингиз ясаган бўлса керак" деди. Жавобимдан сўнг, "келин, кулолликдан хабарингиз бор экан, сизга фақат айрим жиҳатларини ўргатиш керак холос", деди.

Машхур кулол келинидаги истеъдодни кўриб, билганларини ўргатди. Бугун у кишининг иш қуролларидан Дилором опа фойдаланади. Ясалаётган буюмларнинг асосий харидорлари чет эллик сайёҳлар. Шунинг учун ҳам уларда кўпроқ ўзбекча турмуш тарзи, аёлларимизнинг ҳаёти, болаларга меҳри, урф-одатларимиз акс эттирилган.

Пандемия даврида сайёҳлар оқими кескин камайди, аммо бу менда ижодкорликни уйғотди, - дейди кулол аёл. - Сабаби, шу вақтгача харидорларимиз миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз акс этган композицион буюмларни ясадим. Масалан, сумалак қайнатаётган аёллар, тўй маросими, хумдондаги чол, чорподаги суҳбат, аравада бозорга кетаётган оила, невараларини кўтариб олган нуруний... Биз маҳсулотларимиз сотилмади, деб яшадан тўхтаб қолмаймиз. Уларнинг эгаси йўлда, деб тайёрлаймиз. Чунки ҳар бир маҳсулотимизнинг ўз эгаси бор. Умуман, бу композицияларимиз нафақат сайёҳларни, балки маҳаллий аҳолини ҳам қизиқтиради.

30 йилдан буён кулоллик билан шуғулланаётган Дилором опа қизларимизнинг бу хунарга қизиқиши йўқлигини айтади. - Кулол учун энг қадри нараса соз тупроқ, - дейди Д.Мухторова. - Бу эса Конирил қишлоғида сероб. Соз тупроқ, Сиеб аригининг сувидан бўлган лой узок йиллар ўз сифатини, рангини йўқотмайдиган, чидамли кулолчилик маҳсулотлари яралишига замин яратарди. Лойни тайёрлагач, маромига келиши учун оилаб саклаймиз. Ундан сўнг босқичма-босқич кулолчилик маҳсулотларини ясаймиз. Бир кун танаси, бир кун қўли, бир кун доираси ва ҳоказо.

Дилором опа ясаган маҳсулотлар турли танловларда, кўргазмаларда эътироф этилган. Чунки уларда аёл қалби, меҳри, ҳис-ҳаяжони муҳасам. **Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

Дилором опанинг ишини кузатар эканмиз, бармоқларнинг майин ҳаракати, бир бўлак лой ва сув ёрдамида ясалаётган кулолчилик маҳсулотлари эътиборимизни тортарди. Тандинга нон ёпаётган, бир қўлида бешик, бир қўлида фарзандини кўтариб турган аёллар, чойхонадаги нурунийлар, доира чалаётган жувон, эшак минган "буни ким ясади?", деб сўради. Ийманиб, "мен" дедим. Аммо ишонмади. Турмуш ўртоғим ҳам ота касби билан шуғулланар эди. "Эрингиз ясаган бўлса керак" деди. Жавобимдан сўнг, "келин, кулолликдан хабарингиз бор экан, сизга фақат айрим жиҳатларини ўргатиш керак холос", деди.

Машхур кулол келинидаги истеъдодни кўриб, билганларини ўргатди. Бугун у кишининг иш қуролларидан Дилором опа фойдаланади. Ясалаётган буюмларнинг асосий харидорлари чет эллик сайёҳлар. Шунинг учун ҳам уларда кўпроқ ўзбекча турмуш тарзи, аёлларимизнинг ҳаёти, болаларга меҳри, урф-одатларимиз акс эттирилган.

Пандемия даврида сайёҳлар оқими кескин камайди, аммо бу менда ижодкорликни уйғотди, - дейди кулол аёл. - Сабаби, шу вақтгача харидорларимиз миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз акс этган композицион буюмларни ясадим. Масалан, сумалак қайнатаётган аёллар, тўй маросими, хумдондаги чол, чорподаги суҳбат, аравада бозорга кетаётган оила, невараларини кўтариб олган нуруний... Биз маҳсулотларимиз сотилмади, деб яшадан тўхтаб қолмаймиз. Уларнинг эгаси йўлда, деб тайёрлаймиз. Чунки ҳар бир маҳсулотимизнинг ўз эгаси бор. Умуман, бу композицияларимиз нафақат сайёҳларни, балки маҳаллий аҳолини ҳам қизиқтиради.

30 йилдан буён кулоллик билан шуғулланаётган Дилором опа қизларимизнинг бу хунарга қизиқиши йўқлигини айтади. - Кулол учун энг қадри нараса соз тупроқ, - дейди Д.Мухторова. - Бу эса Конирил қишлоғида сероб. Соз тупроқ, Сиеб аригининг сувидан бўлган лой узок йиллар ўз сифатини, рангини йўқотмайдиган, чидамли кулолчилик маҳсулотлари яралишига замин яратарди. Лойни тайёрлагач, маромига келиши учун оилаб саклаймиз. Ундан сўнг босқичма-босқич кулолчилик маҳсулотларини ясаймиз. Бир кун танаси, бир кун қўли, бир кун доираси ва ҳоказо.


Дилором опа ясаган маҳсулотлар турли танловларда, кўргазмаларда эътироф этилган. Чунки уларда аёл қалби, меҳри, ҳис-ҳаяжони муҳасам. **Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

Дилором опанинг ишини кузатар эканмиз, бармоқларнинг майин ҳаракати, бир бўлак лой ва сув ёрдамида ясалаётган кулолчилик маҳсулотлари эътиборимизни тортарди. Тандинга нон ёпаётган, бир қўлида бешик, бир қўлида фарзандини кўтариб турган аёллар, чойхонадаги нурунийлар, доира чалаётган жувон, эшак минган "буни ким ясади?", деб сўради. Ийманиб, "мен" дедим. Аммо ишонмади. Турмуш ўртоғим ҳам ота касби билан шуғулланар эди. "Эрингиз ясаган бўлса керак" деди. Жавобимдан сўнг, "келин, кулолликдан хабарингиз бор экан, сизга фақат айрим жиҳатларини ўргатиш керак холос", деди.

Мухаббат Кўчқорова ўн йилдан буён "Pastdarg omtumangaz" бўлимида назоратчи бўлиб ишлайди. У бу касбга меҳр қўйган. Опа маиший газ ускуналарига техник хизмат кўрсатишдан тортиб, ҳисоблагичларнинг филтратларини тозалаш, пайвандлаш каби мураккаб ишларни ҳам бажара олади.

2011 йил табиий газдан қарздорлигим ҳақида хат келгач, аниқлик киритиш мақсадида туман газлаштириш идорасига боргандим, - дейди Мухаббат опа. - Идора мутахассислари билан тортишиб, аниқ ҳисоб-китоб қилганимни кўрган ташкилот раҳбари нима иш қилишимни сўради. Ишсиз эканимни билгач, қандай маълумотга эгаллигим билан қизиқди. Олий маълумотли иқтисодчи-ҳисобчиликни билиб, мени шу корхонага назоратчиликка ишга таклиф

Газ хўжалигининг назоратчи маликаси



қилди. Бизда бу иш билан асосан эр-кавлар шуғулланганлиги туфайлими, кўпчилик мени урдалай олмас керак, деб ўйлаганди. Мана, шу соҳада ишлаб,

касбга меҳр қўйиб келяпман. Опа дастлаб ўз ишини тумандаги Янгиобод маҳалласида назоратчиликдан бошлади. Хонадонма-хонадон юриб, газ ҳисоблагичларнинг тўғри ишлашини назорат қилиб, мавжуд қарздорликларни аниқлаб кириб қилиш осон иш эмас. Бироқ опа ўз ишини тез ўзлаштириб олди. - Ҳисобчи бўлганлигим учун менга иш ўрганиш қийин бўлмаган, - дейди назоратчи. - Шунингдек, аёл бўлганлигим учун, истеъмолчилар менга ишонч билан қарашди ва яхши муомалада бўлишди, асосийси, ҳурмат қилишди.

Сумкамда атир-упа эмас, газ ускунаси калитлари тўпламини кўтариб юрганымда дугоналарим "Сумканг бунча оғир" деб қўйишади. Касб тақозоси билан уларни ёнимда олиб юришга одатланганман. Бугун "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалида 127 нафар аёл меҳнат қилади. Улар орасида 11 нафар чилангар аёл бор. Улар газ хўжалигида меҳнат қилиш билан бирга, турмуш ўртоғининг севиқли ёри, фарзандларининг меҳрибон онаси ва набираларининг севиқли бувиқонлари. **Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

«Ўнта ўғилга алишмайман, сени қизим!»

Қизларига кураш тушишни ўргатиб, чемпион бўлишига эришган ота, қизларнинг вазифаси фақат турмушга чиқиш деб билган худуд учун қанчалик катта матонат, ирода талаб қилиши ҳақида анча йиллар олдин бир фильм кўргандим. Эҳтимол, ўғли бўлгани учун қизда шакланган, ён-атрофдаги барча тенгдошлари сингари ўта жўн, маиший истақларини иштиёқли тарзда воз кечтириб, юқори чўққилар сари етаклай олган отанинг, отасидан курашнинг сирларини ўрганган, нуфузли мусобақаларга тайёрланиш учун катта шаҳарга йўл олган қизнинг йиллар давомидаги ўзгаришлари, изтироблари, интилишлари, чемпионлик сари қўйган қадамлари машҳур ҳинд фильмда шунчалик таъсирли тасвирланганки, кўриб беихтиёр кўзингга ёш келади.

Иштихон туманида шуғулланиб, бугун нуфузли мусобақаларда юқори ўрин олиб келаётган Нигина Жасур қизи билан суҳбатлашар, унинг ўй-фикрлари билан танишар эканман, беихтиёр шу фильмни ёдга олдим. Гап шундаки, Нигина ҳам худди фильмдагидек оиладаги икки қизнинг бири. Болалигидан ўғил болалардек сўзидан қайтмас, кези келганда ўғил болалар билан курашиб, ўз ҳаққини ажратиб юрган қизалоқ бўлган. Ҳатто ота-онаси уни опасини ҳимоя қилиб юради, дея доим опаси бирон жойга борса, бирга жўнатишган. У тумандаги бокс залига қатнай бошлади. Спорт залига қўйналмай қатнаши учун отаси Жасур Саидов ва онаси Лайлохон Саидова унинг ўқишини шаҳар марказидаги 33-умумтаълим мактабига ўтказишди. Шу тариха Нигинанинг машғул-

ларининг барчасида Нигина Уктамова биринчи ўринни эгаллади. Яқинда, Черногориянинг Будва шаҳрида бўлиб ўтган "Adriatic Pearl" халқаро турнирида ўзбекистонлик боксчилар умумжамоа ҳисобида биринчиликни эгаллади. Мураббий Ҳамид Тангрибергенов бошличилигидаги ёш йигит-қизларимиз 5 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медалларига сазовор бўлди. Ушбу турнирда Иштихон болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Нигина Уктамова ҳам иштирок этиб, Европа ва МДҲ давлатлари вакиллари билан жанг олиб борди ва барчасидан устун келди. Айни пайтда у Тошкент шаҳрида терма жамоа билан биргаликда 2021 йил апрель ойида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида пухта тайёрларлик кўрмоқда. - Илк йирик ғалабамдан сўнг кўнғирок қилганимда биринчи марта отамнинг йиғлаганини эшитгандим, - дейди биз билан суҳбатда Нигина. - Оилада икки қизимиз, эҳтимол давраларда отам ўғли йўқлигидан ўқсингандир бир пайтлар. "Сени ўнга ўғилга алишмайман, қизим!", дедилар ўша кунни. Шу эътирофнинг ўзи мен учун энг катта мукофот эди. Қиз болага бокс керакми, нега ундай қилдингиз, дея турли гап-сўзларга эътибор бермай Нигинанинг қизиқлиқларини қўлаб-қувватлаган ота-онасидан бугун нафақат унинг устозлари, балки бутун мамлакат миннатдор, десак муболага бўлмайди. **Матлуба РАБИМОВА.**

15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари кимларга ойма-ой етказиб берилади?

Ўлғиз фуқароларни рўйхатга олиш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш тартиби қандай?
- Амалдаги тартибга кўра, маҳалла фуқаролар йиғини Ижтимоий қўлаб-қувватлаш комиссияси томонидан тузилган далолатномага асосан туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарори билан пенсия ёшидаги ўлғиз кексалар ҳамда 18 ёшдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги мавжуд ўлғиз шахслар рўйхатга олинади.

Мухтож деб топилган ўлғиз фуқароларга қандай ёрдам кўрсатилади?
- Ижтимоий қўлаб-қувватлаш комиссияси далолатномасига асосан мухтож ўлғиз фуқароларга бепул 15 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари ойма-ой етказиб берилади.

Ўлғиз фуқароларнинг соғлиги ва турмуш тарзини баҳолаш натижалари бўйича туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шўбаларининг ижтимоий ходимлари уйига борган ҳолда манзилли хизмат кўрсатиш учун бириктирилади. Ижтимоий ходимлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини, зарур сановат товарларини ва дори-дармонларни уйига етказиб бериш, овқатлар тайёрлаш, уйни йиғиштириш-тозалаш ҳамда гигиена ишларида кўмаклашиш хизматлари кўрсатилади.

Ўлғиз пенсионер ва ногиронлиги мавжуд шахсларни тизимдаги "Саховат" интернат уйларига расмийлаштириш тартиби қандай?
- "Саховат" интернат уйига тегишли қонунчиликка асосан Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган, Оила кодексига мувофиқ уларни парвариш қилиши шарт бўлган қариндошлари ёки бошқа шахслар бўлмаган ўлғиз кексалар ҳамда ўлғиз



18 ёшдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги мавжуд шахслар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги махсус комиссияси қарори ва вилоят тиббий-ижтимоий хизматлар бўлими буйруғи асосида қабул қилинади. Бунда фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхасини, ўлғиз фуқаро сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ва тегишли тиббий ҳужжатларини ёзма равишда аризаси билан туман, шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар шўбасига тақдим этиши лозим.

Ижтимоий ҳимоя

Ногиронлиги мавжуд шахсларни тизимдаги "Мурувват" интернат уйларига расмийлаштириш тартиби қандай?

- Болалар "Мурувват" интернат уйларига 4 ёшдан бошлаб руҳиятида сезиларли нуқсонлари бўлган, ногиронлиги мавжуд вояга етмаганлар ҳамда 18 ёшдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги мавжуд, руҳиятида сезиларли нуқсонлари бор бўлган фуқаролар Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги махсус комиссияси қарори ва вилоят тиббий-ижтимоий хизматлар бўлими буйруғи асосида жойлаштирилади.

Бунда жойлашувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси, ногиронлик гуруҳини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси, муомалага лаёқатсизлиги тўғрисидаги суд қарори, васий белгиланганлиги тўғрисидаги маҳаллий васийлик (ҳомийлик) органи қарори ҳамда тегишли тиббий ҳужжатлари белгиланган васий ёзма равишдаги аризаси билан туман, шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар шўбасига тақдим этилиши лозим.

Фуқароларни реабилитация техник воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш тартиби қандай?

- Мухтож фуқароларга реабилитация техник воситалари (ҳасса, кўлтиқтаёқ, эшитиш мосламаси, ногиронлар аравачаси, ходунқ, кўзи охишлар ҳассаси, тирсакли кўлтиқтаёқ) ва протез-ортопедия маҳсулотлари (кўл ва оёқ протезлари, ортоаппаратлар, корсетлар, бандажлар, мураккаб ва протез учун пойабзаллар) туман, шаҳар тиббий-ижтимоий хизматлар шўбаси томонидан бепул етказиб берилади. Ногиронлар аравачаси 5 йилга, эшитиш мосламаси 4 йилга, ҳасса ва кўлтиқтаёқлар, шу билан бирга кўл ва оёқ протезлари, ортоаппаратлар, корсетлар 2 йилга, мураккаб ва протез учун пойабзаллар, тугор ҳамда бандажлар 1 йилга бюджет маблағлари ҳисобидан берилади.

Саволларга вилоят тиббий-ижтимоий хизматлар бўлими бошлиғи Илҳом ВАҲОБОВ жавоб берди.

Янги лойиҳалар жамоат транспортини тартибга солади



Вилоят Матбуот уйида транспорт бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Жўрабек Қоржовов иштирокида бўлиб ўтган анжуманда йўловчи ташиш сифатини ошириш борасида олиб борилаётган янги лойиҳалар хусусида маълумот берилди.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳри транспорт тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Транспорт вазирлиги, Тошкент давлат транспорт университети ҳамда Россиянинг "Simetra" компанияси мутахассислари иштирокида режа ишлаб чиқилмоқда.

- Барча йўналишлар, кўчалар, светофорларнинг ишлаш тартиби, автомобиль оқими бўйича маълумотлар кўчаларга бевосита онлайн камералар ўрнатиш орқали ўрганилмоқда, - дейди Ж.Қоржовов. - Жумладан, Самарқанд шаҳридаги транспорт оқими юқори бўлган 55 та жойга ҳамда шаҳарга кириб келадиган, шаҳар марказидан 50 километр масофада бўлган худудлардаги 45 та нукталарга кузатув камераларини ўрнатган ҳолда транспорт оқими таҳлил қилинмоқда. Жиззах политехника институти мутахассислари томонидан эса автобошбечаклар ва бекатларда жамоат транспортининг жадаллиги,

назарда тутилган. Транспорт тизими режасида барча маълумотларни йиғиб, тизимлаштириш, рақамлаштириш ва шаҳар транспорт тизими математик модели ҳамда паспортини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, намунали "BRT", яъни тезорар автобус йўлаги тизимли пилот лойиҳасини жорий этиш режалаштирилган. "BRT" - тезорар автобус йўлаги лойиҳаси бўйича Самарқанд шаҳрига Паст Дарғом, Уругт, Тойлоқ туманларидан кириб келади 70 мингга яқин йўловчилар оқими 44 та йўналишга боғланади. Йўналиш бўйлаб 20 та чорраҳанинг дизайни ўзгартарилади. - Янги лойиҳага кўра, "Ҳазора" автобошбечаклидан "Сиеб" автошоҳбечаклига бўлган 12 километрлик масофада 17 та бекат жойлаштирилиб, 14 та 12 метрлик замонавий автобуслар ҳаракатланади, - дейди Транспорт вазирлиги қошидаги транспорт муаммоларини сарфлаш маркази директори Мурод Абидов. - Уларнинг орасидаги интервал эса 4 минутни ташкил этиб, йўловчиларнинг кўпик транспорт сарфлаш вақти 30 дақиқача тежалани кўзда тутилган. Лойиҳа жорий йилнинг 1 сентябрга ишга тауади. **Д.ЎТАМҲОДОВ.**

Шарқ мамлакатлари халқлари, хусусан, хитой ва японларнинг узок умр кўриши сабабини биласизми?

Сабоби оддий. Улар инсоннинг рухий имкониятларидан самарали фойдаланиш сирларини яхши ўзлаштирган. Даосизм, йога таълимоти, тибетликларнинг дошиш-мандик китобларида инсон вужуди фақат танадангина иборат эмаслиги, балки унда рух мавжудлиги, ундан тараладиган энергетик қувват майдонлари борлиги асослаб берилган. Бундай имкониятлардан фойдаланиш инсон камолоти-га, шу билан бирга жамият равнақига ҳам хизмат қилади.

Рухдан таралаётган энергия танамиз атрофини тўлдириб туради ва унда ўтмишда қилган ишларимиз, фаолиятимиз хотиралари сақланиб қолади. Аслида та-

молар, қарама-қаршиликлар ечим боради. Демак, шундай поэтик формула юзага келадикки, рух+тана+энергетик қувват=муваффақият (А+Г+Нг=М)ни юзага чиқаради. Аксинча, рухий қувватимизга этиборсиз қарасак, уни моддий нарсаларга ўчлик билан бўлгайверсак муваффақиятсизликларга юз тутамиз.

Инсон борлиққа ва одамларга яхшилик қилиб, меҳр бериб, чексиз даражада энергетик қувватни олиши мумкин. Бу энергия сифати умр бўйи ҳавотир ва кўркув ис-канжасида эришмоқчи бўлган мод-дий лаззат ва ҳузур-ҳаловатлардан юз баравар кучли ва ёқимли. Бун-дай соф энергетик қувват мужас-сам бўлган вужуд эгаси ҳеч нарса қилмаса ҳам ўз-ўзидан ҳузурлана-веради.

ҳафтада икки марта кекса эшон бобо келиб, дарс ўтиб кетарди. Бир неча дарс машғулотларидан кейин анча саводимиз чиқиб қолди.

Бир кун биз, дарс олгучилар ичидан ёши каттароқ киши эшон-бобонинг вақтини аямасдан шун-ча жойдан машинасида келаётган-лигини, дарс ўтиб меҳнат қилаёт-ганлигини айтди, ҳар ким эп кўрга-нича пул йиғиб берсак ўринли бўла-ди, деб қолди. Эртаси кун бар-чамиз келишганимиздек пулни кел-тириб ёши катта кишига бердик. Дарс тугаши арафасида йилган пулни ийманибгина эшонбобонинг олдига қўйдик. У киши ҳар доим-гидек жилмайиб, бизларга қараб олди-да оҳистагина:

- Нима, мени савобдан бебаҳ-ра қолдирмоқчи бўляпсизларми, - деди.

Иброҳимота қишлоғи нега бундай номланган?

Ёзувчи Чингиз Айтматов "Асрга татигулик кун" романида "Инсоннинг инсонлиги ўзини англаш, та-ниш эса миллатнинг, ватанининг, қишлоғининг та-рихини билишдан бошланади", деган эди.

Албатта, ҳар бир киши ўзи истиқомат қилаётган ҳудуд-нинг тарихи, яшаб ўтган аждодлари ҳақида билиши керак. Шу мақсадда ўзим яшаётган Нуробод туманидаги Иброҳимота қишлоғининг номланиши билан қизиқиб, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ва бошқа манбаларни кўрдим. Аммо қиш-лоғимизнинг нега бундай аталгани ҳақида маълумот топол-мадим. Нахотки, бу қишлоқ ҳақида ҳеч қерда ёзилмаган бўлса?

Демак, ота-боболаримиздан оғиздан-оғизга кўчиб келган маълумот асосида қишлоғимизнинг Иброҳимота деб номла-ниши тўғри экан-да, деган хулосага келдим.

Айтишларича, Иброҳимота қишлоғи Аҳмад Яссавийнинг отаси номига қўйилган. У киши Ўрта Осиёга сайёҳат қилган вақтида Нуробод тумани ҳудудида бир муддат яшаган. Дарах-лар экиб, бу ерни обод масканга айлантирган. Аҳмад Ясса-вий Самарқандда таҳсил олган даврда отаси яшаган қишлоқ-ни зиёрат қилиб турган ва шундан кейин бу қишлоқ Иброхи-мота номи билан юритилган.

**Файзи ТОШПҲАТОВ,
Нуробод тумани.**



«Қовунчи»га янги тез ёрдам машинаси берилди

Қўшработ тумани тиббиёт бирлашма-сига қарашли "Қовунчи" шохобчаси йи-гирмага яқин қишлоқнинг 7300 дан зиёд аҳолисига тиббий хизмат кўрсатади.

Қишлоқларнинг энг узоғи 35-40 кило-метр, "Қовунчи" шохобчасига қарашли тез тиббий ёрдам машинаси эскилиги сабаб аҳолига биринчи ёрдам кўрсатишда муам-моларни келтириб чиқараётган эди.

Маҳалла аҳли "Дамас" русумли тез тиббий ёрдам машинасини янгисига ал-маштириш бўйича мурожаат қилганди. Бу мурожаат эътибордан четда қолмай, ви-лоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, Қўшработ туман тиббиёт бирлашмаси то-монидан янги тез тиббий ёрдам маши-наси берилди.

Иноят АРКАЕВ.

Маънавият сабоқлари

шогирдига тутди. Кўрқувдан оёқ-қўли бўшашиб, мажолли қолмаган шогирд косани олиб титраган лабига теки-зар-текизмас кулаб жон берди.

- Бу қандай раҳмсизлик, ёш шо-гирдга ҳам шунчалик ёвузлик қили-надими? - амалдорлар айоханнос солишди. - Подшоҳим, ҳақимнинг бошини танасидан жудо қилинг!

- Шохим, бир қошиқ қонимдан кечинг, - деди Луқмони Ҳаким тиз чўкиб, мен шогирдимга ёмонликни раво кўрмадим. Уни ҳасад, манман-лик ҳалок қилди. Бу заҳар эмас, од-дий сув. Ичганида ҳам ўлмас эди. Ишонмасангиз, мана ичиб кўришинг. - Табиб косани вазирага тутди. "Ич" дея ишора қилди подшо. Вазир кўрқувдан дағ-дағ титраб қосадаги сувни ичиб кўрди:

- Бу оддий сув экан, олампадох. - Ақл-заковатингизга шубҳам йўқ эди, - деди подшо Луқмони Ҳаким-га. - Бош табибликка фақат сиз му-носибсиз!

Хулоса шукки, шогирдлар устоз захматини, отадек улуглигини унут-маслиги лозим.

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Яхшилик – тўлақонли энергия демак

намизни ушлаб турган нарса ру-хий қувватдир. Бу энергия қувва-тини ота-боболаримиз имон, деб аташган ва уни пок сақлашган. Бу қувват майдонини инсоннинг он-гости ҳудуди ёки қалб дейиш мумкин. Инсон вужуди рух(атма), тана(ғана) ва энергетик қувват(н-ғана) дан иборат. Улар ўртасида мутаносиблик мукамал инсоний-лик белгисидир.

Афсуски, бугун аксарият одам-лар энергетик қувват манбаи си-фатида моддий нарсаларни бир-ламчи деб билиб, энергия захи-расини шу тамойил асосида тўлди-ришга ҳаракат қилмоқда. Бироқ моддий нарсалардан олинмаган энергия энг паст энергия ҳисоб-ланиб, унинг қиймати бирор му-ҳим нарсани амалга оширишга ҳам етмайди. Бу қувват фақат жисмо-ний меҳнат учун сарфланишга ярай-ди, ҳоло. Ундан юқори турувчи энергия - бу рухий энергия бўлиб, унинг манбаи одамлар, табиат, се-вимли машғулот ва ҳоказолар. Бу фаолият инсонни руҳан юксалти-ради, кучли қилади. Бу қувват тури моддий дунёдаги барча муаммо-ларни ҳал қилишга қодир структу-рага эга. У инсон вужудида қанча-лик шакллантирилса, тобора муам-

Бировларга яхшилик қилиш ҳам энергия. Чунки яхшилик савоб, савоб - маълум ўлчамдаги тўла-қонли энергия. Битта яхшилигимиз маълум энергияга алмашинади ва сабаб-оқибат қонунига бўйсунган ҳолда бизга хизмат қилади. Муқад-дас ҳадисда айтилганидек "Зарра мисқолчалик яхшилик ҳам, зарра мисқолчалик ёмонлик ҳам ҳисобга олинади".

Қадимги Хитойда кундузи ки-шилarning ҳовлисига мўралаб юр-ган одамлар кўп бўлган. Улар кўри-нишидан ўғрига ўхшаса-да, асли-да одамларга фойдаси тегишини хоҳлаб, бирор юмуш бажараётган-ларни излаб, беҳимнат кўмаклаш-моқчи бўлган.

Ўрта асрларда ҳам шарқ мам-лакатларида жавонмардлик тариқа-ти мавжуд бўлиб, уларнинг асосий мақсади беҳимнат хизмат қилиш бўлган. Яхшилик қилиш, муҳтож кимсаларнинг ишига ёрдамлашти-шни савоб амал деб ҳисоблашган ва шунинг эвазига фаровонликка, бахтга эришган.

Мақтабда ўқиб юрган пайтла-рни уйимиз яқинидаги масжидга қатнаб Куръон сураларини ўқишни ўргана бошлаганман. Масжиди-мизга бир неча қишлоқ наридан

Барчамиз мулзам бўлиб қолдик. Эшонбобо ўрнидан тураётиб биз-ни қийин вазиятдан сақламоқчи бўлиб.

- Пулни қайтариб олинг, оз-моз хизматим ўтган бўлса, бир кунни узум узिशга ҳашарга айта-ман.

Шу кундан бошлаб миямда бир савол айлана бошлаганди, савоб дегани қандай нарсаки, унинг қадри пулдан ҳам балеанд бўлса? Эрта-ю кеч шу ҳақда ўйлаб, жўяли жавоб тополмасдик.

Яхшилик қилиш Яратувчи бил-лан муштараклигимиз, руҳимизнинг асл истаги, бир сўз билан айтган-да, яхшилик асл моҳиятдир. Бу мо-ҳият бизга хотиржамлик беради.

Яхшилик қилишнинг иккинчи моҳияти қадим ибтидода инсо-ният мавжудликка юз тутган ондан шартли равишда мингта юк инди-елкасига тушади. Умримиз дав-омлик қилган яхшиликларимиз эва-зига юклар бирин-кетин устимиз-дан йўқолади.

Демак, соф ва табиий энерги-яга эга бўлиш учун доим эзгу амал-лар билан яшашимиз, доим ўзга-ларга яхшилик қилишимиз лозим.

**Муталиб ҲАЗРАТҚУЛОВ,
СамДУ ўқитувчиси.**

Устоз – отадек улуг

Устоз масъулияти гоёат залвор-ли ва машаққатли. У шогирд иқти-дорини рўёбга чиқариш, уни маъна-вий етуқликка кўтариш учун билими, тажрибаси, умрини аямайди. Шу боис ота каби улуглик мақомига са-зовор қўрилади. Мутафаккир бобо-миз Алишер Навоий ҳазратлари ай-тади:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила.

Афсуски, ҳаётда буну унутиб қўядиган, фитнес, игвога учиб ёки ҳасади келиб устоз юзига оёқ қўювчи ношуд шогирдлар ҳам учрайди.

Ривоят: Луқмони Ҳаким сарой бош табиби эди. Подшо ҳузурда обрўси ошиб бораётганига ҳаса-ди келган амалдорлар уни бадном қилиш пайига тушди. Шухратпараст ва ҳовликма шогирдини унга қарши гиж-гижлашди. Бош табиб-ликка фақат у муносиблигини кулпо-га қўйди. Шогирд уларнинг игво-сига учиб, давраларда устозини гийбат қилиб, аслида бош табиб ўзи бўлиши кераклигини даъво қила бошлади. Бу подшонинг куло-гига етиб борди. Луқмони Ҳаким

эшитиб, нодон шогирдига ачинди. - Бўпти, деди подшо, - мен бош табибликка ким муносиблигини си-наб кўраман. Устоз ва шогирд заҳар тайёрлаб бир-бирига ичиради. Ким-нинг заҳари ўткир бўлса, ўша бош табибликка лойик...

Амалдорлар аввал шогирд заҳар тайёрлаб ичирсин, деб талаб қўйиш-ди. Шогирд устози Луқмони Ҳаким-дан олган билимларини ишга солиб гийёлардан заҳар тайёрлашга кириш-ди. Тайёр бўлгач, подшо ва аёнлар ҳузурда устозига тутди. Луқмони Ҳаким хизматкорларига умнин туя сугига тўлғазиб қўйишни тайинлаб келганди. Заҳарни бир кўтаришда сипқордио, тез қичиб кетди. Бўзги-гача сугта тушиб заҳар танасидан чиқиб кетгунча ўтирди. Орадан анча вақт ўтгач, табибнинг ўлгани ҳақида ана хабар келади, мана хабар кела-ди деб қўлоқларини динг қилиб ўтир-

ган саройдагилар ҳузурига кириб борди. Унинг тириклигини кўрган ҳасадгў амалдорлар ичларидан зил кетиб хангуманг бўлиб қолдилар.

- Офарин, - деди подшо табиб-ни соғ-саломат қўриб. Шартга кўра, энди заҳар тайёрлашни Луқмони Ҳакимга буюрди. Табиб бозордан ўн чоглиқ мардикор ёллаб, уларнинг қўлига биттадан талқон туюдиган ҳовача берди ва кечаю кундуз тўққи-латавериларини тайинлади. Устоз қанақа заҳар тайёрлапти экан, деб хавотирга тушган шогирд тунда ке-либ уй орқасидан кулоқ тутди. Ти-нимсиз тўққиллаётган овозларни эшитиб, бу қанақа заҳум бўлса экан, нахотки куним битган, дея ваҳимага тушди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Луқ-мони Ҳаким саройга кириб борди. Подшо ва амалдорлар ҳузурда қўли-даги косани ранги қув ўчиб турган

REKLAMA, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR

«Samarqanddonmahsulotlari» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Samarqanddonmahsulotlari" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2021 йил 30 март кун соат 10:00 да жамият маъмурий биноси маж-лислар залида ўтказилади.

КУН ТАРТИБИДА:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президиумини сай-лаш;
2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш ва санок комиссияси аъзоларини сайлаш;
3. Жамият кузатув кенгашининг 2020 йил молиявий яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти яқунлари ва бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисида жамият ижро органи раҳ-барининг ҳисоботини тасдиқлаш;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 август-даги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ бошқарув раисин-инг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, sanoatда кооперация ало-қаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг 2020 йил молиявий яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;
6. Жамиятнинг 2020 йил молиявий яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фой-да ва зарарларини тасдиқлаш;
7. Жамият тафтиш комиссиясининг 2020 йил молиявий яқунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш;
8. Жамиятнинг 2020 йил молиявий яқунлари бўйича ташқи ауди-торлик ташкилоти "ZAMIN OIL-AUDIT" МЧЖнинг хулосаси (МХХС, МХМС) ҳамда 2020 йил учун СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзаси-дан жамият ташқи аудиторининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш;
9. 2020 йил якуни бўйича жамият фойдаси тақсимланиши, устав фондидаги акцияларга ҳисобланмаган дивиденд миқдорини белги-ланиши ва дивиденд тўлаш муддатини тасдиқлаш;
10. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун кузатув кенгаши аъзола-рини қайта сайлаш ва уларни моддий рағбатлантириш;
11. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси аъзо-ларини қайта сайлаш ва уларни моддий рағбатлантириш;
12. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайти-риш ва уларни моддий рағбатлантириш;
13. Жамиятда 2021 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлар таклифи-ни кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдори-ни белгилаш;

14. Депозитарий "Samarqand vaqt" МЧЖ томонидан 2020 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшитиш ва тас-диқлаш;

15. Жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослиги, шу жумладан, маҳаллий махсуслотларнинг сифати ва нархи бўйича бел-гиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда им-порт харидларини, шунингдек, валюта ресурсларидан самарали фой-даланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш;

16. Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларини юридик шахс тугатилган-лиги ҳақида тегишли ҳужжатларга асосан жамият балансидан чиқа-риш.

- жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш ҳамда умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабарнома олиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрини шакллантириш санаси - 2021 йил 2 март ҳамда умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акция-дорларнинг реестрини шакллантириш санаси - 2021 йил 25 март ку-нига белгиланган;

- акциядорларни рўйхатга олиш **2021 йил 30 март кун соат 9:00 дан 10:00 га қадар** давом этади;

- йиғилишга акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари ва уларнинг вакиллари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари сўралади.

Мурожаат учун телефон: 66-239-55-04. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.samdon.uz Жамиятнинг электрон почта манзилы: samarqanddon@gmail.ru

Ҳурматли акциядорлар, жамият акциядорлари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги ахборот ва бошқа маълумотларни жамият акциядорларига сифатли ва тезкор равишда етказилишини таъмин-лаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги қонунига мувофиқ электрон почта орқали амалга оширилишини инобатга олиб, сиздан электрон почта манзилингизни (Email.) тақдим этишингиз ло-зимлигини маълум қиламиз.

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан "Samarqanddonmahsulotlari" АЖда ушбу хабар эълон қилинган кундан бошлаб йиғилиш ўтказила-диган кунга қадар соат 8:00 дан 10:00 гача танишиш мумкин.

Манзил: Самарқанд шаҳри Зийкорлар кўчаси, 4-уй. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

«Samarqand mulk markazi» масъулияти чекланган жамияти бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади

Савдога Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 2-уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воси-талари такоран қўйилмоқда:

- 1) А/м. "Ласетти". 2013 й. и/ч., д/б. 30 873 FBA, т/н. Б.б. - 58 014 000 сўм;
- 2) А/м. "HOWO ZZ3257N2947D2". 2016 й. и/ч., кузов рақами LZZ1ELND1GW146398, двигатель рақами 160307038097, т/с. Б.б. - 322 308 000 сўм.

Аукцион савдоси 2021 йил 25 март кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашиналар 25 март кун соат сотиламан тақдирда, уларнинг такорорий аукцион савдолари 1, 8, 15, 22 ва 29 апрель кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошлангичига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо қолибига 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгор-лар автомашина бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Samarqand mulk markazi" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри М.Кожғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13.

Хизматлар лицензияланган.

ЙИГИЛИШДА ҚАТНАШИНГ!

Иштихон туманидаги "Митан деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиларининг навбатдаги таъсисчилар йиғилиши 2021 йил 15 апрель кун соат 10:00 да жамият маъмурий би-носида бўлиб ўтади.

Кун тартибиди:
- жамият раисининг 2020 йил яқунлари бўйича ҳисоботи;
- жамиятнинг 2021 йилги бизнес-режасини тасдиқлаш;
- бошқа масалалар.
Йиғилишга барча таъсисчиларни таклиф эта-миз.

Манзил: Иштихон тумани Митан қўргони, Амир Темур кўчаси, "Митан деҳқон бозори" МЧЖ биноси.

ЖАМИЯТ МАЪМУРИЯТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Паст Даргом тумани ҳоқимлиги ҳузуридидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан 2015 йил 16 ноябрда 1300 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NAYMAN MARVARID" оилавий корхонаси (қискар-тирилган номи: "NAYMAN MARVARID" ОК) ихтиё-рий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган бар-ча эътирозлар газетанда эълон чоп этилгач, икки

ой давомиди қабул қилинади. Корхонанинг почта манзили: Ўзбекистон Рес-публикаси Самарқанд вилояти Паст Даргом ту-мани, Қозоқнайман маҳалласи.

Корхонанинг солиқ тўлайдиган идентифи-кацион рақами (СТИР): 303493224.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд тумани филиалидан Саттаров Равшанкул Фаттоевич-га қарашли Самарқанд тумани Сулфакабутак ма-ҳалласида жойлашган уй-жой учун берилган ка-дастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабаб-ли бекор қилинади.

Самарқанд туманидаги собиқ 48-(ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 72-) умумий ўрта таъ-лим мактабидан 2006 йилда Гулямов Нодиржон Камолович номига берилган U № 1896309 ра-қамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги ша-ҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қили-нади.

Самарқанд шаҳридаги "ASIA CONSULT SAMARQAND SHAHRI" масъулияти чекланган жа-миятининг (СТИР: 308110442) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Навоийнинг онаси қайси маликанинг канизи бўлган?

Алишер Навоийнинг шахсини тушуниш учун унинг болалиги, тақдир, шахсий ҳаётида из қолдирган тарихий шахслар, воқеалар муҳим аҳамиятга эга.

Навоий "Бадое ул-бидоя" девонига ёзган сўз бошида, уларнинг оиласи темирликлар хонадонига яқинлигини, ўзининг "ота-онадан етти пуштигача", "олий даражали хонадоннинг самими хизматчиси" эканлигини қўйидаги сатрларда янада аниқроқ ифода қилади:

**Отам бу остоннинг ҳоқбеси,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи.
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зор
Ки ушбу даргоҳ ўлгай гулшан бог.**

Бошқа манбаларда ҳам, таржимай ҳолида ҳам шоирнинг онаси ҳақидаги маълумотлар келтирилмади. Айрим адабиёт-шуносларнинг тахминий маълумотларига кўра, шоир онасининг исми Халима ёки Салима эканлиги айтиб ўтилади. У Қобулнинг амироздаларидан Шайх Абусаид Чангийннинг қизи бўлган. Отасининг исмига қўшилган "амир" лавозимини инобатга олсак, у ҳам темирликларга йиллар давомида садоқат билан хизмат қилганлигини тасдиқлайди.

Шоирнинг ота-онаси, ака-укалари, у воёга етган оилавий муҳит ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун она томонидан яқин қариндош бўлган тоғалари ҳақидаги маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Тоғалари ҳақидаги аниқ маълумотни Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" таъкирасида келтиради: "Мир Саид эл орасида "Қобулий" лақаби билан машҳурдир, фақирга тоғойи бўлур. Яхши таъби бор эрди, туркчага мойили кўпроқ эрди дея маълумот берса, яна бир тоғаси Муҳаммад Али (Ғарибий) ҳақида "Хуш муҳовада ва хушхулқ ва хуштаъб ва дардманд йигит эрди. Кўпроқ созларни яхши чолар эрди. Уни ва усули хўб эрди. Мусиқий илмидин ҳам хабардор эрди. Хутуни (хатнинг кўплиги) ҳам битур эрди" дейди.

Юқорида келтирилган маълумотдан уларнинг хонадонда шеърятга алоҳида меҳр, таттолиқ санъатига эътибор, мусиқа илми чуқур ўрганилганлигини билиб олишимиз мумкин. Оталарининг исмига "Чангий" тахаллусининг қўлланиши ҳам бу хонадонда мусиқа илмига эътибор катта эканлигини тасдиқлайди. Оила муҳитидаги юксак маданият, санъатга ошфоталик шоирнинг онасига ҳам таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Худди шундай маърифатли муҳит Ғиёсиддин Кичкина авлодла-

ри хонадонда ҳам давом этган. Алишер Навоийнинг ота-онасидаги шеърятга қизиқиш бўлажак шоирнинг уч ёшидаёқ шеър ёд олиши тасодифий ҳол бўлмай, балки ирсият билан боғлиқ.

Темирликлар даврида фаолият олиб борган тарихчилар, олий табақага мансуб аёллар, маликалар, уларга хизмат қилган канизлар, жориялар, чўрилар ҳақида маълумот беришда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутган. Лекин умумий ишора тарзида берилган маълумотлар ичкарида макон тутган соҳибаларнинг ҳаёти, хис-туйғулари, орзу-ўйлари, ҳатто изтироблари ва фожияларини тасаввур



қилиш имконини беради.

Шохруҳ Мирзо, Абулқосим Бобур саройидаги маликаларга бўлган муносабат бошқа хонлару амирларникидан фарқ қилган. Уларнинг саройида тутган мавқеига қараб алоҳида сарой ва кўшлар, Ҳиротнинг оромбахш ва гўзал жойларида ҳар бирига атаб боғлар барпо қилинган. Мазкур сарой ва кўшлар маликага атаб қурилганидан келиб чиқиб, айрим маълумотлар халқ орасида тарқалган. Бу каби бунёд-корликлар асосан мамлакатда ҳукм сурган тинчлик, осойишталик даврида амалга оширилган. Ҳиротдаги маликаларга яратилган шарт-шароитларда, шубҳасиз, бош малика Ғавҳаршодбегимнинг ўрни беқиёс эканлигини муаррихлар эътироф этади. Айниқса, маликаларга хизмат қиладиган ходимларни, канизларни танлаш, сарой ичкари-сида бўлиб ўтадиган тўй-ҳашамлар, турли тадбирлар, кўнгилочар машваратлар унинг хоҳиш-иродасига қараб амалга оширилган. Айнан ана шу даврда Ғиёсиддин Кичкина хонадони темирликлар эътиборида бўлиб, саройнинг нуфузли оилаларидан бири ҳисобланган.

Ғиёсиддин Кичкина тахминан 1438-1439 йилларда Шайх Абу Саид Чангийннинг қизига уйланади. Бу никоҳдан амир Шайх Бахлул,

амир Алишер Навоий ва Дарвеш Али дунёга келади. Уларнинг қизлари бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар бирор манбада учрамайди. Ғиёсиддин Кичкина хонадони, ёш оила Ҳиротда истиқомат қилганида мамлакатни темирликлардан Шохруҳ Мирзо бошқарган.

Айни шу даврда шоирнинг онаси тахминан 30-35 ёшларда бўлиб, унинг саройида каниз сифатида хизмат қилиши ҳам айнан шу даврларга тўғри келади. Чунки, Шохруҳ Мирзо саройининг энг нуфузли маликаси бўлган Ғавҳаршодбегим нафақат давлат ишларини бошқаришда фаол, балки сарой ичкарисидаги маликаларга бош-қош бўлиб, барча тартиб-қоидаларни назорат қилган.

Айниқса, сарой ичкарисида хизмат қилувчи ходимларни танлашда уларнинг жамиятда тутган мавқеи, қайси табақага мансублиги, нуфузи, маърифатига ва маданиятига алоҳида эътибор қилган. Юқоридаги талабларнинг барчасига мос келадиган Алишер Навоийнинг онасига маликанинг назари тушганлиги, унинг саройида хизмат қилиш учун лозим топирилганлиги тасодифий ҳол бўлмай, балки бу оилага бўлган ҳурмат белгиси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, Алишер Навоийнинг онаси, шунчаки сарой юмушларини бажарувчи хизматкор эмас, саройда маликалар томонидан ўтказиладиган йиғинларда, тўй-маъракаларда, гап-гаштакларда ҳурматли нодима, ҳамсухбат сифатида таклиф қилинганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Алишер Навоий ижодида оналарни улугловчи мулоҳазалар кўп бўлади. Айниқса, "Арбаин" ида қирқ ҳадисдан бирининг иқтибосини оналарга бағишлагани ҳам тасодифий ҳол бўлмай, балки ўз онасининг шаънига бағишлаган эҳтиромдир.

**Оналар оёғи остидадир
Равза жаннату жинно боғи,
Равза боғин висолин истар эсанг
Бўл онанинг оёғи туфроғи.**

Юқорида билдирилган мулоҳазаларга шоир Абдулла Орипов бир мунча аниқлик киритгандек туюлади. Ҳақиқатан ҳам шоир онасининг ақлига замонаси лол қолган бўлиши мумкин. Аммо у дунёга келтирган фарзанду аржуманди Алишер Навоий башариятни лол қолдирганлиги айни ҳақиқатдир.

**Билмам, қандай аёл бўлган
Алишернинг онаси
Балки унинг ақлига ҳам
лол қолган замонаси.
Майлига, у ким бўлмасин,
ёлғиз бир сўз мавноси:
Алишернинг онаси у,
Навоийнинг онаси.**

**Маҳмамой ТУРСУНОВА,
СамДУ профессори.**

Муштарий илҳоми

ҚОРА ХОЛИНГДАН

**Жон олғуси жоним,
ёр жамолингдан сенинг,
Дилгинам ором олар
ёр жамолингдан сенинг.**

**Кўзларимни йўлларингга
соғинчдек тўқай,
Юрак пора-пора бўлар
заволингдан сенинг.**

**Ой юзингни кўрмак учун
интиқман ҳамон,
Умидларим сўнмас сира
висолингдан сенинг.**

**Кел, чиройинг вужудимга
туйғулар тўқсин,
Салимда хуш илҳом
қора холингдан сенинг.**

**Салим ТИЛАВМУРОД,
Тойлок тумани.**

ҲОЛАТ

**Якраг кунларимдан озорман жуда,
Аланга ёлқинлаб ёқар бағрини.
Туссиз ўша тунлар алдар беҳуда -
Аллабала кўяди ишонч - сағирини.**

**Иштироб жодугар мисоли алдаб
Мунг ила ўрайди мудроқ кўзимни.
Эй мажнунқеъфа, ишонтирдингиз
Чўпчакларингизга менинг ўзимни.**

**Ёзуғим суронли ёзмишимчи - хас...
Кечирганим азоб, кўчирганим ҳам.
Оташларда мени "сийлабди" Худо,
Қўл чўзай, Ишқ, мени қутқаролсанг бас...**

**Якраг тунлар аро бедорман хануз...
Гулчеҳра МУСАЕВА,
Иштихон тумани.**

Боғдаги мушоира

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасвирий санъат фондида моҳир мусаввирлар томонидан ишланган нодир асарларнинг нусхалари сақланади. Хусусан, Бобурийзода шаҳзода Хумоюн Мирзо саройида фаолият юритган машҳур мусаввир Мир Саид Али Табризий мўйқаламига мансуб, 1555 йилда яратилган "Боғдаги мушоира" ёки "Боғдаги базм" деб номланган асар мавжуд.

Мўйқаламининг нозик чизгилари орқали кўрсатилган кишиларнинг тасвири, кийиниш маданияти, боғдаги айвоннинг безакли кўриниши, базм учун пиширилётган ва меҳмонларга тортилаётган таомлар, табиат манзаралари мусаввирнинг нақадар маҳорат эгаси эканлигини кўрсатади. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасвирий санъат фондида ушбу асарнинг 1976 йилда расом Михаил Воронский томонидан қайта тикланиб кўчирилган нусхаси сақланади.



**Сафура РЎЗИМУРОВА,
Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи санъат бўлими мудир.**

Нисо хола Навоийда

Жорий йилда Каттақўрғон шаҳар драма театрида илк парда очилганлигига юз йил тўяпти. Айни кунларда санъат даргоҳининг бир асрлик тўйини кенг миқёсда нишонлашга қизгин ҳозирлик кўрилмакда.

Театр санъаткорлари бир йиллик пандемия чекловларидан сўнг ижодий сафарларини ҳам бошлаб юборди.

Улар қўшни Навоий вилояти шаҳар ва туманларида ўн кун бўлиб, драматург Тойир Юнус қаламига мансуб "Нисо холанинг ҳисоби" спектакли билан мухлисларни хуш-

нуд этишди.

- Оила, турмуш, ўсмирлар тарбиясига эътибор, қарияларни қадрлаш мавзусидаги мазкур томоша навоийликларда катта таассурот қолдирди, - дейди театр директори Ботир Тугалов. - Театримиз бош режиссёри Ҳабибулло Абдуллаев саҳналаштирган мазкур томошадаги бош ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулбахор Мамедова, "Шухрат" медали соҳибаси Гулнора Ризаева талқин этган.

Абдуазиз Ҳошимов.

ПАСТ ДАРҒОМ ТУМАНИ ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

барча хотин-қизларни, шунингдек, тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган оқила ҳамкасбларини баҳорнинг гўзал байрами **8 март – Халқаро хотин-қизлар куни** билан табриклайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, эл саломатлиги йўлида олиб бораётган хайрли ишларингизга омад тилаймиз!

Қалбингиздан қувонч, юзингиздан табассум аримасин, азиз опа-сингиллар!

Кутлов



Мустақиллик йиллари Самарқандда

1998 йил, март

Жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида вилоят божхона хуудиди чегараси орқали 25 минг 605 тонна юк ҳаракатланиб, унинг 15 минг 300 тоннаси экспорт улушига, 10 минг 300 тоннаси импорт улушига тўғри келди.

апрель

Марказлаштирилган импорт тартибидан ва бошқа иқтисодий фаолият қатнашчилари томонидан вилоятга 584 тонна ун, 16,5 тонна макорон, 995 тонна ўсимлик ёғи, 678 тонна қанд-шакар, 489 тонна чой, 38 тонна совун келтирилди.

2 апрель куни вилоят ҳокими А.Мардиевнинг қарорига кўра, Муродулла Холмуҳаммедов вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Чехия Республикаси савдо ва саноат вазири Карл Конор бошчилигидаги делегация Самарқандга келди.

Вилоятда 139 минг 694 бош совлиқдан 144 минг 591 бош кўзи олиниши кейинги ўн йилликдаги энг юқори кўрсаткич бўлди.

Самарқандда Марказий Осиё ва Монғолия давлатлари ўртасида таълимни молиялаштириш мавзусида халқаро учрашув ўтказилди.

Самарқанд давлат университетидан Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишлаб, республика талабалари олимпиадаси ўтказилди.

24 апрель куни вилоят ҳокими А.Мардиев қарорига кўра, Музаффар Муқимов "Зарafshon" газетаси бош муҳаррири этиб тайинланди.

май

Самарқанд тиббиёт институти талабалари Қозонда ўтган тиббиёт институтлари болалар жарроҳлиги кафедралари қошидаги илмий жамиятларнинг бешинчи Умумо Россия конференциясида қатнашиб, олтин медаль ва биринчи даражали дипломни қўлга киритди.

Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилнинг биринчи чорагида 8,6 миллиард сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 37,4 фоизи озиқ-овқат, 23,3 фоизи енгил, 15 фоизи ун-дон саноатига тўғри келди.

июнь

12 июнь куни Япониянинг "Никура Секьюритиз Ко" молия компанияси вакиллари Республика Миллий банки бошқарувининг раиси Р.Азиев ҳамроҳлигида Самарқандда бўлди.